

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 8 февраль, № 29 (8091)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Маълумки, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Унинг қурилиши ўтган йили Рамазон ойида бошланган эди. Бугунги кунда бинолар қад ростлаб, пардозлаш ишлари оз фурсат қолди. Тақдимотда мажмуанинг ички ва ташқи қурилишига оид чизмалар кўриб чиқилди. Унга кўра мажмуа деворлари миллий нақшлар, пардозоб тошлар билан сайқалланади. Имом Бухорий бобомиз мақбарасида наққошлик ва хаттотлик санъати уйғунлашади. Унинг деворларига қадимий услубда Қуръони карим суралари ва ҳадислар ёзилади. Барча пардозлаш ишларида ёрқин, "иссиқ" ранглардан кўпроқ фойдаланилади. Хоразм вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг ички давоми сифатида Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Лойиҳага кўра у ерда университет, мактаб ва боғча, IT-парк, фан ва маданият марказлари, спорт мажмуаси барпо этилади. Шаҳарча марказида Мухаммад ал-Хоразмий майдони бўлади, буюк алломанинг янги ҳайкали ўрнатилди.

Тақдимотда шу борадаги лойиҳалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Унга кўра, ўқув ва даволаш бинолари, ётоқхона, хизмат уйи қурилиб, мавжуд объектлар таъмирланади, ҳудуд ободонлаштирилади. Президентимиз лойиҳаларни тақдимоти билан танишди ва сифатли қурилиш юзасидан кўрсатмалар берди. Давлатимиз томонидан спорт ривожига катта эътибор қаратилиб, зарур инфратузилма яратилмоқда. Шу мақсадда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. 160 гектарни эгаллайдиган мазкур шаҳарчада универсал стадион, очик ва ёпиқ спорт мажмуалари, ётоқхона, меҳмонхона, Чирчиқ дарёсида эшак эшиш хавзаси барпо этилади. Бу инфратузилма йирик мусобақалар ўтказиш ва бўлажак Олимпия захиралари институти учун ўқув-машғулот базаси бўлади. Мамлакатимизда сайёҳлар учун кенг шариит яратилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида "Чорвоқ" туристик-рекреация зонаси ташкил этилмоқда. Президентимизга шу борадаги ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, Чорвоқ сув омбори ва Чирчиқ дарёси бўйида экотуризм объектлари барпо этилади. Бунинг учун, аввало, қулай транспорт тизими йўлга қўйилади. "Чорвоқ дарвозаси" ва "Юсуфхона" худудларида дам олиш жойлари, Жанубий Хўжакентда анъанавий тоғ қишлоғи барпо этилади. Худуднинг ҳушманзара табияти ва рельефини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилади. Боглар, пиянжик жойлари, велосипед йўлаклари ташкил қилинади. Шундай лойиҳа Чимён худудидан ҳам режалаштирилган.

Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мажмуаси ҳам қурилмоқда. Бугунги кунда жасур саркарданинг мухташам ҳайкали ўрнатилган. Атрофдаги қарийб 8 гектар майдон ободонлаштирилмоқда. Шунга яқин жойда минг ўринли санъат саройи бунёд этиш ҳам мўлжалланган. У ерда Хоразм лазгиси анъаналарини сақлаш, ўрганиш ва кенг ёйиш учун замонавий шариит яратилади. Турли тадбирлар, концертлар ўтказилади. 2020 йил 22 октябрда "Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилди. Қарорда мазкур академия учун янги бинолар қуриш ва ўқув-моддий базасини тақомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуалар оммабоп бўлиши зарурлигини таъкидлаб, барча юрдошларимиз, турли касб оғаларига мос арзон ва қулай хизматлар тақлиф этиш вазифасини қўйди. Тошкент шаҳрини ёндош худудга кенгайтириш, янги қуриладиган мавзеларни инфратузилма ва транспорт хизматлари билан таъминлаш бўйича лойиҳа концепцияси ҳам кўриб чиқилди.


Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ ВА ПЕКИНДА ОЛИЙ ДАРАЖАДА БЎЛИБ ЎТГАН МУЗОКАРАЛАР ХҲР ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭКСПЕРТ ДОИРАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қишки Олимпия уйинларининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Пекинга амалга оширган ташрифи Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ҳамда эксперт доиралари ўртасида катта ақс садо бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти ва Хитой Раиси Си Цзиньпин ўртасида 5 февраль куни бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар ХХР ОАВда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Дунё нигоҳи

«Синьхуа» АА хабарига кўра, икки давлат раҳбарларининг учра-



шуви чоғида сўнги 30 йил ичида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Хитой ва Ўзбекистон тенглик, ҳурмат ва ўзаро манфаат тамойилларига амал қилади. Томонлар сиёсий ўзаро ишонччи мустаҳкамлаб, манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қўмақлашмоқда.

«Жэньминь Жибао» газетаси сайтыда эълон қилинган мақолада давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзбекистон ва Хитой халқлари манфаатлари йўлида икки ҳамда кўп

томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича келишувга алоҳида эътибор қаратилган, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидлангани маълум қилинган.

«China Daily» электрон нашрида, ўз навбатида, Хитой раҳбари-



нинг Ўзбекистон билан барқарор ривожланиш соҳасида яқин ҳамкорликка тайёр экани тўғрисидаги баёноти эълон қилинди. Томонлар саноат, қайта тикланадиган энергия манбалари, COVID-19 пандемиясига қарши курашиш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларида келгусида ҳамкорликни давом эттириши урғулانган.

«Global Times» газетасида мушаррийлар эътиборини Хитойнинг Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё билан транспорт-коммуникация алоқаларини янада кенгайтириш имкониятларига қаратилди. Икки давлат раҳбарлари ШХТ ва «Бир макон, бир йўл» ташаббуси

доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашди.



Хитой экспертлари, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги музокаралар самимий руҳда ўтганини қайд этмоқда. Мутахассислар бу икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги алоҳида ишонч ва дўстона муноса-

батлардан далолат беради, деб фикр билдиришди. Хусусан, ХХР Давлат кенгаши хузуридаги Ижтимоий Ривожланиш марказининг Евроосий ижтимоий тараққиёт институти эксперти Сюй Тао Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги музокаралар ўтказганини таъкидлаган.

Экспертнинг сўзларига кўра, бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги



ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ МУЛОҚОТЛАРНИНГ МУҲИМ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қишки Олимпия уйинларининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Пекинга амалга оширган ташрифи доирасида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар минтақада барқарорликни таъминлаш ва халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни янги bosқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ақс садо

Хусусан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан бўлиб ўтган учрашув мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама стратегик муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарлари ўртасидаги учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ўсувчанлиги ҳамда минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилингани баробарида,

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган алоқаларни фаоллаштириш бўйича кейинги қадамлар ишлаб чиқилди. Геосиёсий нотинчлик кучайган шартда икки давлат ўртасидаги жадал ривожланиётган ўзаро манфаатли алоқалар Осиё қитъасида барқарорликни шакллантириш учун муҳим майдон яратди.



Ҳамкорлик

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Ижтимоийларда гендер тенглик комиссияси раиси Фатма Аксал бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Сенат Раиси юртимизда амалга оширилаётган туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, сўнги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида барча соҳадаги мулоқот, хусусан, парламентларо ҳамкорлик янги bosқичга кўтарилганини таъкидлади. Ўз навбатида, учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентларо алоқалар ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.



Ўзбекистон — Туркия: Ўзаро алоқалар мустаҳкамланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг Ижтимоийларда гендер тенглик комиссияси раиси Фатма Аксал бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот аввалида А. Саидов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан самимий кутлаб, мазкур учрашув икки давлат ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида делегация аъзоларига мамлакатимизда сўнги беш йилда амалга оширилаётган ички ислохотлар, ҳар томонлама пухта уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари, бугун республикамизда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳақида сўзлаб берилди. Учрашувда қайд этилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси Туркия парламенти билан парламентларо мулоқотни турли даражада фаоллаштириш тарафдори. Бу борада мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқалар мунтазам равишда ривожланиётгани қувонарли ҳолатдир.

Мамлакатларимизни тарихий алоқалар, маданий ва диний ришталар ҳамда анъаналар ва маънавий қадриятлар яқинлиги боғлаб туради. Жорий йилнинг 4 март куни Ўзбекистон — Туркия дипломатик муносабатларининг ўрнатилганига 30 йил тўладиган бўлса, 2021 йил Туркия томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олинганига 30 йил тўлди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 10 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенцияси (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 7 февраль № ЎРҚ—750

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

МДХ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқулланган

МДХ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 7 февраль № ЎРҚ—751

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг таълим сифатини яхшилаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади.

Ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилади;

141 мингта янги ўқув ўрни яратилади ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилади.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2026" йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ ВА ПЕКИНДА ОЛИЙ ДАРАЖАДА БЎЛИБ ЎТГАН МУЗОКАРАЛАР ХХР ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭКСПЕРТ ДОИРАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ва Раис Си Цзиньпин икки давлат ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ривожланиш динамикасини ижобий баҳоладилар. Сўнгги бир неча йил ичида Хитой етакчи савдо-иқтисодий шерик давлат ва ўзбек товарлари учун йирик экспорт бозори мақомини сақлаб қолди. Қишлоқ хўжалиги, инфраструктура, молия, логистика, санат парклари каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

лаш ва камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Пекин Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишга қаратилган фаол савдо-иқтисодий ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Умуман олганда, хитойлик экспертларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев ва Раис Си Цзиньпин ўртасидаги музокара Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги ички ривожланиш бораётганининг яна бир ёрқин исботи бўлди. Хитой ва Ўзбекистон фаол сиёсий мулоқоти ривожлантириш, амалий ҳамкорликни кенгайтириш, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтаришда давом этади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи арафасида Хитойнинг қатор етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан батафсил ахборот ва тахлил материаллар чоп этилди. Хусусан, «ССТV» ва «ССТN» миллий телеканалларида Ўзбекистон — Хитой дипломатик муносабатларининг 30 йиллиги, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари бағишланган махсус видеорепортажлар хитой ҳамда инглиз тилларида эфирга узатилди.

Мамлакатимизда сўнгги беш йил ичида амалга оширилаётган кенг қўламли ислотларнинг асосий ақунари ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари алоҳида эътибор қаратилди. Хитой ОАВ томонидан Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасидаги долзарб масалаларга ҳам муносабат билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги делегациянинг ташрифи тафсилотларини фаол ёритган



оммавий ахборот воситалари орасида нуфузли «Жэньминь Жибао», «Гуанмин Жибао», «China Daily», «Global Times» газеталари, «Beijing Review», «Sik Road Review», «Belt and Road Outlook» ва «Psearcher» журналлари бор эди.

«Жэньминь Жибао» ва «Гуанмин Жибао» газеталарида мамлакатимиз жадвал ривожланишининг замонавий жараёнлари ва Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ҳақидаги мақолалар чоп этилди. «Global Times» нашрида Ўзбекистонга икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликнинг муваффақиятлари ва истиқболларини очиб берадиган туркум материаллар жойлашган.

«Beijing Review» журналида «Uzbekistan Special» махсус рунки остида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг амалий соҳалардаги улкан салоҳиятини очиб берувчи мақолалар босилди. Нашрда янги Ўзбекистоннинг устувор тараққиёт йўналишлари, мамлакатимизнинг ташқи сиёсати ва ШХТ доирасидаги раислиги алоҳида эътибор қаратилди.

«Psearcher» журналининг «Development Strategy of New Uzbekistan» деб номланган махсус сонни чоп этилди. Ундан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, мамлакатнинг савдо-иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик имкониятлари, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги ранг-баранг хабар-мақолалар ўрин олди.

«Дунё» АА.

ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ МУЛОҚОТЛАРНИНГ МУҲИМ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон ва Хитой кўп томонлама стратегик шерикларидир. Тошкент Пекиннинг ташқи сиёсий курси ва ягона Хитой масалалари бўйича қатъий позициясини, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Хитой мамлакатимизда амалга оширилаётган ислотлар ва Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатини оқийлайди. Давлатлар халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бугун сиёсат, иқтисодиёт, савдо, санат, молия, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик жадвал ривожланмоқда. Ўзаро товар айланиши ортиб бораётган. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланди. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция, инновация ва технологиялар жалб этиш соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, турли соҳаларда шериклик янги қўша лойҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш истиқболлари, минтақанинг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалалари алоҳида эътиборда.

Ўзбекистон Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва унинг кенг қўлама бажарилишига амалий хисса қўшишга тайёр. Хитой томони Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирмоқда. Ўзбекистон ҳам мазкур лойиҳа орқали Марказий Осиёдаги транспорт салоҳиятини максимал даражада ошириш ва Хитой — Марказий Осиё — Фарбий Осиё иқтисодий йўналиши шакллантиришдан манфаатдор. Шу

маънода, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлининг қурилиши барча иштирокчиларга фойда келтиради: савдо-сотиқ алоқалари фаоллашади, янги иш ўринлари яратилади, сайёҳларни жалб этиш ва транзит хизматларидан олинмаган даромадлар ошади. Ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканини Марказий Осиёдаги автошўналарига тўғридан-тўғри Хитой бозорларига чиқиш имконини берган Қашғар — Ирқешто — Ўш — Андижон — Тошкент автойўлига мисолди қўриш мумкин.

Транспорт коммуникациялари нафақат ўзаро боғлиқлик муаммоларини ҳал қилади, балки янги иш ўринларини яратиб, савдо-сотиқни ривожлантиради, тараққиётни рағбатлантиради. Иккинчидан, Ўзбекистон «ақли қишлоқ хўжалиги»ни ривожлантириш, агроинновациялар бўйича қўша марказни ташкил этишни мақсад қилиб қўйган. Ўзаро учрашувда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ва маданий таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим муаммолардан биридир. Бу шароитда сув ресурсларини тежашга, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва касалликларга чидамлигини оширишга имкон берадиган энг замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этишни таъминлаш жуда муҳим. Ушбу соҳада юксак натижаларга эришган Хитой ва бошқа шериклар билан ҳамкорлик талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигидаги юқори технология зоналар фаол ривожланаётган Хитой провинцияларининг ишланмалари амалий қизиқчи уйғотди. Келгусида Хитойнинг бундай худудлари аграр инновация марказини ташкил этишда Ўзбекистоннинг ҳамқори бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ХХР савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг янги беш йиллик дастурини амалга ошириш, минтақаларо алмишунвларни қайта қилиш, транспорт коммуникациялари, қашшоқликка барҳам бериш ва коррупцияга қарши курашиш, «ақил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, рақамлаштириш, аъёнани ва телебизнестинг каби соҳаларда Ўзбекистоннинг муҳим ҳамқорларидан бири бўлиши шубҳасиз. Ушбу йўналишлар

халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида ҳар қандай мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун жуда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, Пекиндаги учрашув, шубҳасиз, Ўзбекистонда модернизация жараёнларини жаддалаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга ҳамда Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташриф доирасида бўлиб ўтган яна бир сиёсий воқеа — Ўзбекистон Президентининг Покистон Ислон Республикаси Бош Вазири Имомрон Хон билан учрашуви ҳам ўша муҳим аҳамиятга эга бўлганини қайд этиш лозим.

Иккала мамлакат кўп йиллардан буюн ўзаро ва халқаро ташкилотлар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Давлат раҳбарлари ўртасидаги сиёсий мулоқот Афғонистон атрофида барқарорлигини таъминлашга қўмақлашди, зеро мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам берадиган чоратadbирларнинг бошида айнан Ўзбекистон ва Покистон турибди.

Покистон Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё минтақасидаги асосий шерикларидан бири бўлиб, кун тартибидидаги кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш икки мамлакатнинг стратегик манфаатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, Покистоннинг Карачи портига қиришни таъминловчи Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар Жанубий транспорт йўлига лойиҳасини илгари суриш бўйича амалий ишларни жаддалаштириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ушбу лойиҳанинг тезкор амалга оширилиши Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Форс кўрфазидидаги давлатларда ҳам қизиқчи уйғотмоқда. Бинобарин, у Ўзбекистонни Форс кўрфазини мамлакатлари, хусусан, Бирланган Араб Амириклари билан боғлайдиган энг қисқа ва иқтисодий жиҳатдан самарали транспорт йўли бўлиб, икки томонлама савдо ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Соҳиб САФОВЕ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ф. Аксал давлатларини муносабатлари қардошлиқ ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, бугун Ўзбекистон ва Туркия ишончли стратегик ҳамкор мамлакатлар эканлигига ургу берди.

Юртимизда хотин-қизлар масалаларига эътибор кунайгани, улар учун тенг имкониятлар яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан эъравонлик ҳолатларини бартараф

қилиш, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб эзгу савдо-иқтисодий бораётганини алоҳида таъкидлаб, бугун Ўзбекистон ва Туркия ишончли стратегик ҳамкор мамлакатлар эканлигига ургу берди.

Юртимизда хотин-қизлар масалаларига эътибор кунайгани, улар учун тенг имкониятлар яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан эъравонлик ҳолатларини бартараф

масалалар, жумладан, хотин-қизларнинг иқтисодий йўналишдаги ўзаро алоқаларини ўрнатиб, давлатлар худудлари ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйишга қаратилган қўша лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш орқали самарали мулоқотни кенгайтиришга келишиб олинди.

Шунингдек, учрашувда ўзаро қизиқчи уйғотган бошқа масалалар ҳам кенг муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Туркия: ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари икки ва кўп томонлама ҳамкорлик шаклида сезиларли даражада ривожланиб бораётгани, минтақалар ўртасидаги алоқалар янада жонлибди, мунтазамлик касб этиб бораётгани таъкидланди.

Томонлар сўнгги йилларда ҳар иккала мамлакат раҳбарлари Шавкат

Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған савдо-иқтисодий муносабатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилганини алоҳида таъкидладилар.

Мулоқот ақунида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, парламентларо алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ тақдирлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, халқимиз қалбидидаги орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, айниқса, адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислотларнинг бош мақсадига айланади.

Фикр

2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳам айни мақсадга қаратилган бўлиб, ушбу тарихий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан ички давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланган бўлди.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегияси доирасида кўп йиллар халқимиз орзиқиб кутган ўзгаришлар рўй берди, катта натижаларга эришдик. Утган даврда Президентимиз раҳбарлигида катта ҳажмдаги ишлар қилинди ва янгилаш кириб бормаган бирорта соҳа қолмади, ҳисоб.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кунайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатида янги босқичга сўғатирилди.

Изчиллик ва қатъият билан ҳаётга жорий этилган Харақатлар стратегияси доирасида халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, орзу-умидларини ушалтириш, фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор имкониятлар сафарбар этилди ва шу туфайли одамлар мамлакатдаги ўзгаришларни ўз ҳаётида сеза бошлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида биргина афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг қафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилгани мингминг-лаб одамлар ҳаётига нур олиб кирди, чарогон қилди.

Президентимизнинг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган инсонлар билан бўлаётган қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалаш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисидаги» қараридан Фармони эса ҳеч муболагасиз, давлатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган инсонпарварлик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМИ, АЛБАТТА, ҲАЁТДА ЎЗГАРИШ БЎЛИШИ КЕРАК

Сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги фракцияларида навбатдаги йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаёти ва фаровонлиги, халқимиз турмуш даражасини оширишга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ҳужжат нега кун тартибидан чиқарилди?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тағирий ўзгаришлар киритилди. Хусусан, Кодекснинг 175-моддасидан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда қонунларнинг ҳисобварақларида тегишли маблаглар бўлгани ҳолда тўловларни амалга оширишнинг муддатлари бузилгани учун белгиланган маъмурий жавобгарлик масаласи чиқариб ташланаётди.

Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бузилиши оқибатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасида шартнома интизомини бузганлик учун маъмурий тасир чораси ҳам чиқариб ташланапти. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Кодекснинг 245¹, 245² ҳамда 271-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан эса шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг битта ҳаракати учун икки марта жавобгарликка, яъни ҳам фуқаролик-ҳуқуқий, ҳам маъмурий жавобгарликка тортилишининг олди олинди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, янги тахрирда ишлаб чиқилган кодекс билан биноларни тураржой сифатида таснифлаш, тураржойлар ҳамда нотураржойлар тоифасига ўтказиш, уй-жой фондини ҳисобга олиш ва тураржойларни фонддан чиқариш, давлат уй-жой назорати, хусусий уй-жой фондининг тураржойларидан фойдаланиш



ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари тартибга солинади. Ийғилишда қонун лойиҳасининг муҳокамаси кескин баҳс-мунозарага айланади кетди. Депутатлар томонидан ўртага ташланган қатор саволлар очик қолгани сабабли мазкур ҳужжат кун тартибидан чиқарилди.

Муаммолар соҳани тақомиллаштиришни тақозо этмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Дунё давлатлари ўртасида интеграциялашув жараёни тезлашгани сари ишчи кучининг кўчиб юриши ҳам кенг тус олмақда. Маъмулотларга қараганда, бугун дунё мигрантлари сонини 270 миллиондан зиёд. Агар ички мигрантлар ҳам қўшиб ҳисобланса, дунёнинг ҳар еттинчи одами мигрантдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миграция тартибга солиш ва мигрантларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ундан ортик ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо ижобий ишлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Ноконуний мигрантлар оқими, иш берувчининг шартномани бажармаслик ҳолатлари, меҳнат ҳамда миграция талабларига риоя қилмаслик, иш ҳақини кечиктириш ёки тўламамаслик, шунингдек, мигрантларнинг қўлама хунари йўқлиги, тил билмаслиги каби ҳолатлар шулар жумласидан. Бу мигрантлар билан боғлиқ қонунчиликни янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Янги қонун лойиҳаси ташқи меҳнат мигра-

циясини қонуности ҳужжатлари билан эмас, алоҳида қонун билан тартибга солиди. Халқаро ҳужжатлардаги айрим қоидалар миллий қонуниимизга имплементация қилинади. Бу бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари белгиланапти.

Депутатлар томонидан янги қонун лойиҳасига муносабатлар билдирилиб, тақдирлар ҳам илгари сурилди.

Тахлилларга кўра, ўтган йили 314,1 мингдан ортик меҳнат мигрантларига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 984,1 минг АҚШ доллари миқдоридидаги иш ҳақлари ундириб берилган. Бошланасиз қолган 358 нафар меҳнат мигранти вақтинча яшаш жойлари билан таъминланган бўлса, оғир вазириятга тушиб қолган 321 фуқаро Ватанимизга қайтариб олиб келинган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг фаол иштирокчилари рағбатлантирилади

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида батафсил кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилинишига зарурат сифатида келтирилаётган бир қанча асослар депутатлар алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, лойиҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга бевосита масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ташқари, маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ҳам иштироки алоҳида белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий тушунчалари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ваколатлари ҳамда ҳамкорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳадаги ишларнинг самарадорлигига эришиш борасида идораларо комиссия-

лар фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фаол иштирок этганларни рағбатлантириш тартиби назарда тутилган. Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳасида ягона қонун яратилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик ҳақимияти институтлари ва ННТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтиради.

Ташқи меҳнат миграцияси тартибга солинади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб фракция аъзолари томонидан «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қизгин муҳокама қилинди. 6 боб, 48 моддадан иборат қонун лойиҳасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари ифодаланган.

Шунингдек, вақтинчалик меҳнат фаолияти, меҳнат мигранти, меҳнат мигрантининг оила аъзоси, меҳнат органлари, ноконуний меҳнат миграцияси, Ўзбекистон Республикасининг ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, чет эллик иш берувчи ва юрорувчи ташкилот каби асосий тушунчаларнинг мазмунини очиб берилган.

Қонун лойиҳасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Лойиҳада назарда тутилганидек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ташқи меҳнат миграцияси йўналишидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Муҳокамадор давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор тақдирлар билдирди ва уни маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН

ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР

Президентимизнинг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қайд этилганидек, Харажатлар стратегияси амалда бўлган ўтган йиллар мобайнида барча жабҳада муайян ташкилий-ҳуқуқий, тизимли ишлар амалга оширилди. Навбатдаги беш йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши эса, том маънода тарихий воқеа бўлди. Бинобарин, Харажатлар стратегиясининг маънавий давоми бўлган ушбу тарихий ҳужжатда Ўзбекистонни яқин ва ўрта истиқболдаги ривожлантириш йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Халқимизнинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган ҳужжатда “Инсон қадри учун” деган тамойилни ҳаётда тўла рўёбга чиқариш вазифаси кўйилган.

Нукта назар

Айтиш керакки, бу қадрият баландпарвоз гаплардан мутлақо холидир. Унда ҳар бир инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муносиб турмуш шароити ҳамда замонавий инфратузилма яратиш, маънавий тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришдек устувор мақсад ва вазифалар мўҳкам.



Шу йилнинг 26 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши барчамизни бирдек ҳаёжонга солди. Ўзбекистоннинг кейинги беш йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалаларини муҳокамаси юзасидан ўтказилган мазкур йиғилиш бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, ҳақиқий фидойилик намунасини кўрсатиб ишловийлик кераклигини яна бир бор аниқлади.

Статистик маълумотлар бугун Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси 35 миллиондан ошганини кўрсатмоқда. Тараққиёт стратегияси жаҳон тамаддунида ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан цивилизацияга эришган мамлакатларга ҳос турмуш тарзи даражасига эришиш, эркин, фаровон ва адолатли жамият қуришидек катта орзу-ниятлар билан яшаётган халқимиз ҳаётида кескин ўзгаришлар ясаш учун ташланган дадил қадам бўлди. Бу орқали юртини ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган Харажатлар дастуридан Тараққиёт стратегиясига ўтмоқдамиз.

Тараққиёт стратегиясининг моҳияти 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсадда аниқ қўрсатиб берилди. Албатта, ҳар қандай сиёсатнинг рўёби иқтисодий таъминотни талаб этади. Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир кўзда тутилганлиги Юрбошқимизнинг ўтган йилги сайлов дастурида илгари сурган халқпарвар, инсонпарвар ғояларининг ҳаётига татбиқдан далолатдир. Фармонда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг ҳар бир йўналиши борасидаги мақсад ва вазифалар аниқ белгилаб берилди, бу борада юзага келиши кутулаётган муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратилиши унинг пиқсати ва пухта ишлаб чиқилганини кўрсатади. Хусусан, унда маҳаллани жамиятнинг таянч бўлинига айлантириш, хотин-қизларнинг таълим

олиши, меҳнат қилиши, жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, “конун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар каторидадан жой олиш, йўللарда автомобил ва педальларнинг хавфсиз ҳаракати учун шароит яратиш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларга эътиборни кучайтириш каби кечиктириб бўлмас вазифалар қўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий йўналишдаги асосий вазифалар сифатида кейинги беш йилда мактабларда қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи учун янги ўринлар яратилиши, мактаб дарсликларига замон талабларига мос равишда янгиланиши, давлат тасарруфидаги, шунингдек, хусусий бочаларни қўлайтириш орқали мактабга таълим қаровини 80 фоизга етказиш ишлари таълим соҳасига кўйи босқичдан бошлаб эътибор берилишини кўрсатади. Олий ўқув юрталарининг нуфузли халқаро рейтингларга кириши, хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар тураржойи барпо этилиши ҳам муҳим вазифалардан эканлигига алоҳида урғу берилган. Маънавият соҳасига оид чора-тадбирлар муҳокамасида 12 мингдан зиёд кутубхоналар имкониятларидан самарали фойдаланиши, мақбуравий ҳужжатларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш муҳимлиги қайд этилдики, бу борада “оила — маҳалла — боғча — мактаб — олийгоҳ — кутубхона” тизимидаги узилишлар бартараф этилишига эришиш лозимлиги назарда тутилди. Инчунин, ушбу тизимларнинг асосий кесилишадиган ўрни кутубхонага айланганини таъминламоғимиз жуда зарур.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Япония дунёнинг энг ривожланган учта давлатдан биттаси эканлигини, у ерда табиий ресурслар деярли йўқлигини, шунингдек, мамлакат ҳудудининг алоҳида эътибор қаратилиши унинг пиқсати ва пухта ишлаб чиқилганини кўрсатади. Хусусан, унда маҳаллани жамиятнинг таянч бўлинига айлантириш, хотин-қизларнинг таълим

асосий сабаби — китобга бўлган муҳаббат, муттасил ўқиш, изланиш ва ўзига бўлган кучли ишончдир. Модомки, шундай экан, Ўзбекистон ёшлари ҳам китобга муҳаббат билан ўсиши учун масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак.

Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижроси олий таълим муассасалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгаришчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадлари асосида Бухоро давлат университети ҳам ўзини бошқариш тизимига ўтди. Ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик ОТМ фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, Давлат бюджетни маблағларни ҳисобидан молиялаштирилмайдиган тарихий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотлар ташкил этиш ҳуқуқидан оқилна фойдаланган ҳолда, университетга қўшимча даромад олиб келадиган тадқиқот марказлари, ўқув курслари, дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш каби хизматларни тижоратлаштириш, кучли рақобат муҳитида уларнинг истеъмолчиси топишига фақат замонавий, сифати кафолатланган хизматларни кўрсатиш эвазига эришилади. Бундан ташқари, университет тарихий тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида олдинги бўлиmlар ўрнига янгиларни жоза қилиш талаб этилиб, қарор орқали ушбу жараёнларни фаоллаштириш учун катта замин яратилган.

Университетимизнинг мустақиллиги бир томондан олий таълим хизматларини кўрсатувчи муассасаларда рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келса, бошқа томондан олий таълим муассасалари рақобатнинг кучайишига, асосийси, сифат ошишига сабаб бўлади. Айни чоғда мамлакатимиз Тараққиёт стратегияси ташкилий, молиявий ва академик мустақиллик борасидаги ишларимизга қанот бағишлайди. Муҳтасар айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни янада тараққий этириш, халқимиз муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, ўсиб келаётган ёшлар жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, эртамиз бугундан ҳам нурафшон бўлиши учун улғув-ҳор мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Халқимиз томонидан қизгин кўйлаб-қувватланаётган бу стратегиядаги ҳар бир мақсад ва тадбирнинг ресурслар деярли йўқлигини, шунингдек, мамлакат ҳудудининг алоҳида эътибор қаратилиши унинг пиқсати ва пухта ишлаб чиқилганини кўрсатади. Хусусан, унда маҳаллани жамиятнинг таянч бўлинига айлантириш, хотин-қизларнинг таълим

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

МОҲИР БОҒБОННИНГ «ОЛТИН ОЛМА»ЛАРИ

ёки ўзбек лимончилиги асосчиси ҳақида хотиралар

Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон ўтган йилнинг 11 ойда 4,4 минг тонна лимон экспортини амалга оширган. Бошқача айтганда, юртимиз боғбонлари 13 та хоржий давлатга умумий қиймати 4,4 миллион АҚШ долларлик цитрус мева етказиб берди. Буни қарангки, экспортда ушбу ўсимлик иқлимлаштирилган ҳудуд — Тошкент вилоятининг улуши етакчилик қилмоқда.



Фахр

Вилоят лимончилари икки бозорни ушбу сервитамин мева билан тўлдирди баробарида, 1,3 минг тоннасини хорж бозорларига чиқаришга муваффақ бўлди.

Бундан ярим аср бурун Ўзбекистонда лимончилик йўлга қўйилиб, ушбу цитрус мевага бўлган ички эҳтиёж таъминлабгина қолмай, балки экспорт қилинади, деса, ҳеч ким ишонмасди. Ахир, илгари Ўзбекистонга лимон чет давлатлардан олиб келинар, ушбу шифобахш неъматни сотиб олишга эса ҳамнинг ҳам қурби етмасди.

Халқимиз “киш меvasи” дея эъзозлайдиган лимон бугун бозорларимизда сероб. Нархи ҳам ҳамёнбоп. Бу аввало, юртимизда лимончиликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилётгани, тармок истиқболи учун зарур барча шарт-шароит яратиб берилаётгани самарасидир. Қолаверса, ўзбек лимончилик мактаби қайта тикланиб, боғдорчиликнинг янги тармоғини ўзлаштиришга муваффақ бўлган заҳматқаш инсон Зайниддин Фахриддинов тажрибаси, унинг ноёб технологиялари амалиётга қайта татбиқ қилинмоқда. Натижада юртдошларимиз бу цитрус мевани ҳатто уй шароитида етиштириб, мўмай даромад олишяпти.

Узоқ йиллик изланишлар меваси

Халқ селекционери, фахрий академик Зайниддин отанинг ёнида юриб, у кишининг кўп йиллик тажрибасини илмий тадқиқ қилган олима сифатида айта оламаник, иссиқсевар бу ўсимликни Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштириш осон кечмаган.

Мазкур наботот намунасини иқлимлаштириш ҳаракати дастлаб 1932 йилда бошланган. Ушунда юртимизга Грузиядан келган 15 нафар олим маҳаллий мутахассислар кумағида ушбу цитрус экнини экиб, кўпайтиришга киришади. Бирок уч йиллик синов амалиёти кутилган натижага бермайдди. Яъни Ўзбекистонда қиш қаттиқ келиши оқибатида даракларни совуқ уради. Лимон иссиқсевар, ёруғсевар, айни пайтда намга талабчан ўсимлик эмасми, 17-18 даража ҳароратда яхши ривожланади. 1,5-2 даража совуқда унинг меваси ва новдалари, 5-6 даражада эса даракнинг бутун танаси ноубу бўлади.

Ҳафсаласи пир бўлган олимлар ўсимликларни кўмиб ташлашга қарор қилади. Бу жараёни яқиндан кузатган 10 ёшли болакайда мазкур инжиқ ўсимликни кўпайтириш фикри орадан кўп йиллар ўсари, ҳаёлидан бир зум ҳам кетмайди. Бироқ кўчатни қардан олади?

Буни қарангки, боғбон наъма-такка атиргунли пайванд қилиш орқали етиштирган кўчатларга Грузияда талаб ортиб кетади.

«Ҳақимиз лимон Ўзбекистонда!»

Моҳир боғбон учун лимонзор тажриба майдони бўлса, мен учун бамисоли илм масканига айланган эди. Отаним ҳар бир хатти-ҳаракатини кизикчи билан кузатишни ўзимга одат қилиб олгандим. Бу кизикчи мени 1970 йили Тошкент давлат аграр университети (аввалги Қишлоқ ҳўжалиги институти) томон етақлади. 1982 йилда эса шу институт аспирантурасида тахсилни давом эттириб, лимон морфологияси ва биологияси устида илмий иш олиб бордим.

Лимонзор ўша вақтлар нафақат мамлакатимизнинг таниқли олимларидан, давлат арбоблари, балки чет элдан таширф буюрган машҳур кишиларнинг севимли масканига айланиб улгурган эди. Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов давлат ишларидан толиққан пайтда кўнги чигалликларини ёзиш мақсадида ушбу мўъжаз боққа тез-тез таширф буюрар, лимоншонос олим билан суҳбатлашишдан эриқмасди. Шоира Зулфия Зерикова ҳам лимонзорнинг севимли меҳмонларидан эди...

Боғбоннинг кўп дафтраи бўларди. Унга лимонзорга таширф буюрган таниқли инсонларнинг бил сўзлари битиларди. Бу дафтар ҳозир бизнинг энг бебаҳо бойлиқимизга айланган.

Мана, ҳозир ўша дафтарни ва-рақлаб, болалик, ёшлик хотираларни қайта жонланмоқда.

Халқимизнинг севимли шоира-си Зулфия шундай ёзади: “Бу ҳаммисиз мевазор, ақойиб боғнинг сеҳр-ҳари яратган ҳосилни Зайниддин боғининг ақли, идроки, истеъдоди, санъати, деб қарайман ва шундай маҳоратли халқим фарзандига таъзим қиламан”.

“...Марсда келажакда олма гуллаши мумкин. Ана ўшунда ишончим комилки, сизнинг лимонларингиз ҳам у ерда ҳосил беражақ. Катта раҳмат, заминқадар эҳтиромимни қабул этгайсиз”.

Бу тилақлар космонавт-учувчи В. Гречкога тегишли.

Куба давлатининг собиқ раҳбари Фидель Кастронинг “Бизнинг юрт лимонининг ватани бўлса-да, Ўзбекистонда ҳақиқий лимончи еб кўриб, мазасига ва уни етиштириш оддийгина деҳқон меҳнати тан бердим” деган сўзлари ўзбек боғбончилик мактабига берилган ҳаққоний баҳодир...

Дўстларга аталган асал

Бир куни падари бузрукворимиз асал олаётганининг устидан чиқиб қолдим. Шу заҳоти асал идишга қўл узатганимни биламан, “Бу асал дўстимга аталган”, дея отам қўйиб берди.

Боладек араزلанганимни кўргач, бир пиёлага ўша асалдан солиб узатаркан, “Қани, мазасини кўрчи?” деб қолди. Ростки, бунақа болни ҳеч қачон емагандим. Унинг таъми шўнчалик ширин бўлса, ҳиди ундан ҳам ёқимли ва ўткир эдики...

Бу, лимон гулларида йиғилган ноёб асал экан.

Ҳа, Ўзбекистонда иссиқхона шароитида лимондан асал олишнинг уддасидан чиқилган.

Отам табиатан янгиликка ўч, ўта кизикувчан эмасмики ҳар бир иссиқхонанинг тўрт бурчағига тўрт қўти асалари оиласини кўярди. “Иссиқхонада ҳам асал олиб бўлади-ми?” деганларга эса ҳеч бўлмаганда бу митти жонотлар дарахт гуллари чанглатишга ҳисса қўишини айтарди.

Бироқ амалда лимон гулларида асал олишга эришган эди. Тўғри, асаларига қўшимча озуқа берилмагани тўғрисида жуда кам бол йиғилар эди. Ушбу камбў неъмат идишларга солиниб, сақлаб қўйилар, лимонзоримизга келган азиз меҳмонларгагина тортиларди.

У айниқса, лимонзорга кўп бора таширф буюрган атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовга жуда манзур бўлган экан.

Лимончилик соҳаси янада ривожланади

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан лимончиликни ривожлантириш, иссиқхоналар барпо этиш, цитрус мевалар етиштириши кўпайтириш-

га жиддий эътибор қаратилляпти. Бу жараёнда шу йил таваллудининг 100 йиллиги нишонланган бўлган лимончиликнинг асосчиси бўлган Зайниддин Фахриддинов хотирасига ҳурмат бажо келтирилмоқда. Бу эса у кишининг ишини давом эттир-яратган биз, фарзандлари, шоғирдлари кўнглини тоғдек кўтармоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг адолатли сиёсати тўғрисида отам тамал тошини қўйган жоме масжидга “Зайниддин хожи ота” номи берилди...

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий ҳўжатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лимончилик ривож-ида янги даврни бошлаб бериши, шўбҳасиз. Сабаби, ушбу ҳўжатта мубофиқ лимончилик билан шуғул-ланувчиларга қўллаб энгиллик ва имтиёзлар берилмоқда.

Масалан, эндиликда лимон етиштирадиган қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари харид қилган муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш қурилмалари қўйғатининг 30 фоизга қисми Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилди.

Бундан ташқари, янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотиқ учун 300 минг сўмгача миқдорда субсидия сифатида қўллаб берилди.

Бу каби имтиёзлар беҳиж тақ-дид этилаётгани йўқ. Лимончилик сардаромад тармоқлар сирасига кирди. Харажати кам, фойдаси эса юқори. Унинг ҳар тулидан 15 — 20 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Бу, уй шароитида гултувақда парвариланган бир тул лимон битта оиланинг ушбу тансиқ неъматга бўлган талабини бемалол қонди-ради, дегани эмасми?!

Саноат усулида етиштирилган-да эса гектаридан 30 тоннадан ошариб ҳосил териб олинади. Унинг ҳар килограммининг ўртача 10 минг сўмдан сотган тақдирда ҳам 300 миллион сўм даромад кўриш мумкин. Шу маънода, тармок равнақиға қаратилган ислохотлар замирида халқни бой, турмушини фаровон қилиш мақсад-муддаси муҳасам-дир. Бу эса, ўз навбатида, юрт-дошларимиз ва олимларни ўзининг таъми, шифобахш хусусиятлари билан фарқланувчи Ўзбекистон лимон-чининг янги навларини яратиш борасидаги илмий изланишлари н исчиқ давом эттириш, уни дунё халқлари дастурхонига тортиқ қилишга руҳлантириши турган гап.

Раъно ХўҲАЕВА,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қўйдаги вакант лавозимларига танлов эълон қилади:

1. Умумий эпидемиология лабораториясига илмий даражага эга катта илмий ходим лавозимига — 0,5;
2. Микробиология лабораторияси мудиригига, фан доктори (фан номзоди, PhD) даражасига эга — 0,5; илмий даражага эга катта илмий ходим — 1,0;
3. Вирусология лабораторияси мудиригига, фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1,0;
4. Бактериология лабораториясига илмий даражага эга етакчи илмий ходим лавозимига — 1,0; катта илмий ходим лавозимига — 1,0; кичик илмий ходим лавозимига — 1,0;
5. BSL-лабораторияси мудиригига, фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1,0; илмий даражага эга етакчи илмий ходим лавозимига — 1,0;
6. Озуқа муҳитлари лабораториясига илмий даражага эга катта илмий ходим лавозимига — 1,0;
7. Юқори технологиялар лабораториясига илмий даражага эга катта илмий ходим — 1,0;
8. Зардобларни тозалаш ва концентрациясини ошириш лабораториясига илмий даражага эга катта илмий ходим лавозимига — 1,0;
9. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган микроорганизмлар миллий коллекцияси маркази мудиригига, фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1,0; катта илмий ходим лавозимига илмий даражага эга — 0,5;
10. Биотехнология лабораториясига илмий даражага эга катта илмий ходим лавозимига — 0,5;

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Касбий кўникмалар кафедраси мудири ҳамда Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси лавозимларига

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Номзодлар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Танловда олий юридик маълумотли (ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун — магистр даражасига эга бўлган, кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун — профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори илмий даражасига эга бўлган), қоида тарихида камида 3 йил судья (прокурор, адвокат) бўлиб ишлаган юқори малакага эга шахс қатнашиши мумкин.

Танлов икки босқичли синовдан иборат. Биринчи босқичда талабгорлар тест синовларидан ўтказилади.

Унда энг юқори баллнинг камида учдан бирини олганлар иккинчи босқич — синов лекциялари (очиқ машғулотлар) ўтказишда қатнашади.

Тест синовлари ва синов лекциялари (очиқ машғулотлар) тегишлича 4/6 (40 балл/60 балл) нисбатда баҳоланади.

Эслатма: синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастурлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар Судьялар олий мактабининг судьяalrolumaktabi@mail.uz электрон почтасига ёхуд Судьялар олий мактабига (100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй) қўйидаги ҳўжатларни юборишлари сўралади: ариза (яшаш манзили ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда); маълумотнома (объективка); диплом нусхаси; паспорт нусхаси; меҳнат дафтарчасининг нусхаси; бошқа ҳўжатлар (сертификат, тавсифнома ва ҳ.к.).

Аризалар 2022 йил 18 февраль, соат 17:00 га қадар қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (55) 501-01-93


Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт ректори, профессор Ботир Даминовга отаси, академик

Тургунпўлат ДАМИНОВнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби жамоаси Судьялар олий мактаби ходими Баҳодир Каримовга отаси

Тоҳир КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚИМИЗГА ДОИМО КУЧ-ҚУВВАТ ВА ИЛҲОМ БАҒИШЛОВЧИ БЕБАҲО МЕРОС



Мамлакатимизда сўнги беш йилда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Жамиятни модернизациялаш ислохотлари қисқа муддатда ўз натижаларини бера бошлади. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари халқ манфаатлари ҳамда эҳтижларидан келиб чиқиб, фаолият юритаётди. Фуқаролик жамияти аломатлари кенгаймоқда. Иқтисодийнинг асоси — ўрта синф шаклланди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти ўсди. Ўзбекистон атрофдаги қўшни ва бошқа хорижий давлатлар учун очилди. Мамлакатдаги демократик ўзгаришларни жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар янги Ўзбекистон пойдеворини қуриш жараёни изчиллик билан давом этаётганини англатади.

Барча ислохот ва туб ўзгаришлар ташаббускори Президент Шавкат Мирзиёевнинг **“Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, янги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”**, деган сўзлари мамлакатимиз истиқбол қандай бўлишини башорат қилмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 5-йўналиши — “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш”нинг асосий мақсадларидан бири, бу буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган. Шу маънода, бугун Алишер Навоийнинг инсон қадрини улуғлаш, давлат ҳокимияти органлари бошқарувини маънавий қадриятлар асосида олиб боришга оид бой илмий меросини чуқур ўрганиш, уни халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш долзарб вазифалардан биридир.

2021 йил 27 декабрда Президент Шавкат Мирзиёев ёшларимизга ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўргатишни тизимли йўлга қўйиб муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидларкан, Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиш, турли мобил илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди.

Президентимиз 2021 йил 17 августда матбуотга берган интервьюсида **“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олин тарихимиз, бетакрор эриш ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демократия”**, деган ғояни илгари суриши, албатта, бежиз эмас.

Хозирги Ренессанс пойдеворини қуриш жараёнида XV асрда нафақат илмий-ижодий фаолиятда маънавий қадриятларга оид ноёб фикрлар билдирган, балки ўз шахсий ҳаёти маънавий идеалдан иборат бўлган, миллий ифтихоримиз — Алишер Навоий меросига бот-бот мурожаат қилишга зарурат туғилмоқда. Унинг давлат бошқарувини адолат принциплари ва маънавий мезонлари асосида йўлга қўйишга оид меросини ўрганиш, улардан ҳозирги даврдаги ислохотлар жараёнида кенг фойдаланиш — янги Ўзбекистонни қуриш концепциясини янада бойитишда, унда белгиланган инсон қадрини улуғлаш ва адолат принципларига оид мақсад-вазифаларни амалга ошириш жараёнидаги жозибасини кўчага чиқариш.

Алишер Навоийнинг халқ учун яшаш, элга саховат қилиш, хизмат кўрсатиш, мазлумлар дардини билиш ва уларни ҳимоя этиш каби маънавий қадриятларга оид мулоҳазалари, фикрлари, насихатларини жо қилган мероси жуда бой бўлиб, уларни ҳали тўлиқ даражада ўрганиш олганимиз йўқ. Исламшарҳ кўрсатадиган, у нафақат буюк шоир сифатида, балки улуг давлат арбоби, адолатли ва фозил жамият ислохотчиси сифатида ҳам ўзини намояндалар этган эди. Лекин ҳозирги кунга қадар унинг сиёсий арбоб ва ислохотчи сифатидаги фаолияти тўлиқ ўрганилган эмас.

Агар тарихий далилларга мурожаат қилсак, ҳазрат Навоийнинг шох олдиданги ва салтанатдаги мақоми юксак бўлганга гувоҳ бўламиз. Хусайн Бойқаро саройида унга Алишер Навоий каби кучли таъсир қила оладиган бирор шахс бўлмаган.

Кўпчилиқ адабиётларда Алишер Навоийнинг Астрообда ҳокимлик мансабига тайинланганини “уни саройидан узоқлаштириш эди” қабилида баҳоланади. Лекин баъзи тарихий манбаларни ўрганиш унинг аксини кўрсатади: Алишер Навоийни Астрообда ҳоким қилишдан мақсад — ўша пайтларда давлат чегараларида янги қудратли кучларнинг пайдо бўлиши, уларнинг мамлакатга ҳужумлар қилиш хавфининг мавжудлиги, бу таҳдидлардан Алишер Навоийнинг оғури ва нуфузидан фойдаланиш асносида ҳимоялаш эканлиги ойдinлашади.

Шоҳ Хусайн Бойқаро 1487 йилда ҳозирги Озарбайжон ҳудудини эгаллаган Оқ қўнлилар ҳукмдори Яъқуб бекага ёзган мактубида Алишер Навоийни Астрообда ҳоким мансабига тайинлаганининг асл сабаби, шу билан бирга, унинг давлат салтанатидаги юксак сиёсий мақомини ниҳоятда самимий тарзда тавсифлаб берган. Мазкур мактубдан парча келтирамиз:

Астрообда ҳоким бўладиган инсон “...камолти акидату илос ва ниҳоятда ақинлиги махсуслик билан бирга, яна бандан ҳимматлилик бегадига барчадан қўрқам ва шуҳрату давлатмангликда барчадан юқори бўлсин. Алҳақ, бу соадатли сифатларни ўзида жамлаган киши — пойдор давлатимизнинг сирларига махрам, осмон қадрили борғоҳимиз хилватгоҳида (бизга) ҳаминишан, салтанатимиз устуни, мамлакатимиз таянчи, султон ҳазратларининг ишончлиси ва ҳоконликнинг кифти Низомуддин Алишердир. Ҳар қалай, у қилишини парилтадек ҳислатлари (сиёзинг) ҳушхат хотиринишга махфий бўлмас керак. Мисраб, агар сенга у ёр бўлмас, бошқа ким бўлади! Бу (бизнинг) давлатнинг ёруғури ва ҳашамат тонгининг ёрқин шўъласи ферузаранг уфқдан болқинган (онлар)дан бери у (зот)нинг жаннатмонанд сўхбатидан бир лаҳза ҳам бош

тортилган эмас ва тортилмайди. Аммо юқорида зикр қилинган улуглар қондасига биноан, у тарафларнинг ҳукуматини тамоман мазкур амир (Алишер)нинг тасарруф панжаси ихотасига киритиб, муқаррар қилдикки, у киши дўстлик ва ҳамжиҳатлик силсиласини кун сайин ҳаракатга келтириб, бирдамлик ва иттифоқлик омилларини тараққий эттирсин. ...Мазкур (амир) ҳар ниманики ўз уқдасига олишни лозим топса, дину давлатнинг тўғри тадбири ва мулк миллилатнинг ривожини бутунлай ана шунда эканлигига сира шубҳа йўқдир. Унинг пок хотирига нимаки келса ва уни амалга оширса, (бизнинг) офтобдек нузли замиримиз олдида айни саов ва эзгуликнинг ўзгинасидир”.

Айтмиш жоизки, Хусайн Бойқаро соҳибқирон Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзодан кейинги энг қудратли ҳукмдор бўлиб, у Алишер Навоийдан бошқа мансабдор ёки ҳатто темирыйларга мансуб давлат арбобларидан бирортасини бу қадар самимий ва улугвор тарзда тавсифламаган, бу ҳақда бошқа дағилиғ ҳужжат учрамайди. Кўриниб турибдики, Алишер Навоий ўз даврининг машҳур, ҳар томонлама тан олинган, ҳатто қўшни мамлакатлар давлат арконлари ҳам эътироф этган буюк бир инсон бўлган.

Алишер Навоий Астрообда ҳокимлик даврида мамлакат сарҳадларида Хусайн Бойқаро салтанатига хавф солиб турган барча сиёсий кучлар таҳдиди бутунлай тўхтади. Улар билан дўстона алоқалар ўрнатилди. Бу ҳолатни Хондамирнинг қўйида битикларидан билиш мумкин: “Мозандарон, Рустамдор ва Филон вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг Астрообда ҳоким этиб тайинлангани хабарини эшитиб, итоат гарданларини унинг елкасига қўйиб, Астрообда мактуб билан элчилар орқали муносиб туҳфа ва ҳадялар юбориб, ўзларининг илхос жавоҳирларини арз тавоғига қўйдилар. Астрооб ул ҳашаматли амирининг иззатли наснади бўлган ўша кунлари олий даражали подшоҳ, адолатпаноҳ Султон Яъқуб мирзо бир неча бор сўзамол ва ишончли одамларни фахрли чопонлар ва мўл-қўл танқис моллар, иноятли ва марҳаматли уйғутувчи мактублар билан юбориб, муҳаббат ва дўстликни камолотига етказди”.

Алишер Навоийнинг ўзи нафақат ғазал мулкнинг султони, балки маънавий оламнинг гултожи, комил инсон сифатида ҳам эътироф этилиши табиий ҳолдир. У давлатни бошқаришни адолат ва эзгу қадриятлар асосида амалга ошириш ташаббускори ва ислохотчиси бўлишдан ташқари, “маънавият” тушунчасини илк бор таърифлаб берган мутафаккирдир.

Алишер Навоий “маънавият” тушунчасини “маъни”, маънавият соҳибларини “аҳли маъни” деб атайдди. Бу каби тушунча эҳтимол яна кимнингдир асаридан учраши мумкин, лекин “аҳли маъни” атамасини туркий халқлар оламига ёйган, давлатни бошқаришда қўллаган, амалий ҳаётда синовлардан ўтказган мутафаккир бу — Алишер Навоийдир. У инсониятни “аҳли маъни” ва “аҳли суврат” дан иборат, деб кўрсатади. “Аҳли суврат” — бу тоифага мансуб кишилар инсоний муносибатларнинг фақат шакли тамойилига муҳим эътибор беради. Уларга виқорли бўлиш, қибранлиш, зебу зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш мансуб. Улар гўёки:

**Туни зарбофт айлабон ҳиффатдин
уқон ҳар тараф.
Йўқ ажаб гар бор эса
дунё матои ком анга.**

“Суврат аҳли” учун дунёни қалбдан англаш, эзгулик ҳис-туйғулари бутунлай ёт. Улар инсоний муносибатларнинг фақат ташқи кўринишларини тан олади, моҳият ва мазмунга кириб бора олмайди. Уларнинг асосий хусусиятидан бири — тақдирчиллиқдир. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида қул, ожизлар устидан зулмкор. Улар шариятга амал қилмаслиги ва маслакчилиги тўғрисида фақат бугунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшайди, бу билан ҳақиқий дунёсини қўйдиради. “Суврат аҳли” диний амалларни ҳам фақат кўржу ва у дунёдаги моддий лаззатланиш илтиҳиди баҳаради.

“Аҳли маъни” — юксак тафаккур соҳиблари. Уларнинг маъни аҳли эканлиги шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақл-идроқли бўлиш, турли инсоний муносибатларнинг моҳият ва мазмунини англаш ҳосилдир. Бу каби инсонлар ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғулашган ҳолда идрок этади. Жамият ва халқ учун хизмат қилиш, яшашдан лаззатланади. Улар ўзларининг ҳар бир хатти-ҳаракати ва рўй бериши мумкин бўлган воқеанинг оқибатини ўйлаб иш тутайди, бу дунёнинг ўткинчи эканлигини чуқур ҳис қилади.

Алишер Навоийнинг талқинича, “аҳли маъни” Яратганнинг ато этган тафаккур фазилатлари во-

ситасида дунёни англашга, бу йўлда илм-фанни эгаллашга ва маърифатли бўлишга интилади. Уларнинг бош мақсади — Ҳаққа, ҳақиқатга етишиш. Бу тоифа эркин, довиюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва масъулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва таъйиқ ишлатишдан холи, халқ ва дин учун фидойи, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамдард, зулмга қарши бора оладиган, адолат олдида ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан воз кеча биладиган инсонлардир. Шу боис буюк аждодимиз уларни қўйидагича шарафлайди:

**Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.
Ким буларга гадолиқ ортқидур,
Аҳли сувратга подшолиғдин.**

Кўриниб турибдики, “аҳли маъни”га мансуб бўлиш, яъни юксак маънавият соҳиб бўлиш инсоннинг энг олий орузси, фозил жамиятнинг белгисидир. Алишер Навоийнинг бу талқинини англаган, чуқур ҳис этган ҳар бир киши учун маънавият — бу инсон мазмуни ва моҳиятидир. Жаҳонда инсониятнинг жамият сифатида яшашини таъминловчи қудратли тутқилар ҳам, инсоний ривожланиш ёки умуман, цивилизацияга эришув, уни барқарор ушлаб туриш ҳамда янада такомиллаштириш учун беҳис кўч ҳам маънавиятдир.

Маънавий бойлик чегара билмайди, миллат танламайди, у қайси мамлакат ёки жамиятда бўлмасин, бу ўша жойдаги “аҳли маъни” мулкидир. Умуминсоний қадриятлар қайси ҳудудда эгалланса, ўша жойда маънавиятнинг унб-ўсиши учун муҳит ва шарт-шароитлар туғилади.

Албатта, мустақил фикрли инсонгина дунёни англашга, ақл-идроқини такомиллаштиришга эҳтиёж сезади, билимларни меҳнат тарзда ўзлаштирмайди ёки қуруқдан-қуруқ ёлламайди. Бундай инсонларга ўзга кишилар олдида (уларнинг қимлигидан қатъи назар) сажда қилиш ёки мутелек руҳияти бутунлай ётдир. Улар ўз иш фаолиятларида, меҳнатда ҳам ижодкор, ташаббускор, яратувчидир. Ўз фикрига эга

маблагнинг катта миқдорда эканлиги аён бўлади. Лекин Алишер Навоий ўз шахсий маблагларини қурилишга, ободончиликка, ҳомиликка сарфлаб, ўзи камтарона тарзда ҳаёт кечирди. Муаррих Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида кўрсатилишича, у орттирган мулкидан ташқари отасидан мерос бўлиб қолган ер-сув, мол-мулкдан ҳам катта даромадлар оларади.

Тарихчи Хондамирнинг қайд этишича, Алишер Навоий ўзининг шахсий маблагига ҳисобига 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва ўнлаб иморат ва ишоотлар қурдирган. Мисол учун, Астрооб шаҳридаги Мир саройи, Жоме масжиди, Марв шаҳридаги Хисравия мадрасасини келтириш мумкин. Шунингдек, Хондамирнинг “Хулоса-тул-ахбор” асарида келтирилишича, XII асрда Ҳиротда бунёд этилган, лекин ишдан чиққан Жоме масжидини тавмирлашда бирварақайига 100 га яқин усталар ишлаган. Бу масжиднинг узунлиги 114 метр, эни 84 метр, 6 та дарвозаси бўлиб, у қисқа фурсат ичида муқташам бинога айланади. Мазкур масжид шу кунларда ҳам Ҳиротнинг ҳушманзара жойларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳазрат Навоий кўрсатмаси билан Ҳирот, Машҳад, Марв каби шаҳарларда харобага айланган Гавҳаршод масжиди, Қобус минораси, Арслон-жозибара работи каби 12 та йирик иморат тавмирланган.

Алишер Навоий Хуросон ва унинг атрофидаги ҳудудлар ниҳоятда сиёсийлашган бир даврда яшайди. Унинг руҳиятга нафақат ташқи душманлар, балки давлат ичидagi сиёсий эзидиётлар, ўзаро урушлар ва улар натижасида халқнинг аҳоли ёмонлашиб бораётгани кучли таъсир қилди. Шу боис у нафақат инсон қадр-қиматини улуғлаб ашёр битди, балки урушлар гирдобидagi ҳукмдорларни инсофга келтириш, мамлакатда осулда ҳаёт бўлишига эришиш, барча давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга даъват қиладиган асарлар ёзди. Шунингдек, унинг шахсий ҳаёти ҳам сиёсийнинг эзидиёти ва қайноқ муҳитида кечди.

Алишер Навоий давлатдаги муҳторлик, бош вазирилик, ҳокимлик каби расмий мансаблардан воз

“ Алишер Навоийнинг ўзи нафақат ғазал мулкнинг султони, балки маънавий оламнинг гултожи, комил инсон сифатида ҳам эътироф этилиши табиий ҳолдир. У давлатни бошқаришни адолат ва эзгу қадриятлар асосида амалга ошириш ташаббускори ва ислохотчиси бўлишдан ташқари, “маънавият” тушунчасини илк бор таърифлаб берган мутафаккирдир. ”

бўлмаган кишилар меҳнати эса баҳоли қудрат, фақат мажбурият ва кўржу асосида амалга ошайди, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар нархи ҳам банд бўлмайди.

Агар халқнинг сиёсий тушунча элигига эътибор берсак, Алишер Навоий халқни улуғлаганида уни бошқараётган давлат ва мансабдорлардан ўз иш фаолиятларида адолат принциплари ва маънавий қадриятларга амал қилишни талаб этади. Бунга терс мансабдорлар ўз охириятларни қўйдиришини башорат қилди. У нафақат сарой арконлари ва ҳокимлар, балки ҳар қандай инсонни бошқарган гами билан яшашига даъват этади:

**Одамий эрсанг демасил одами,
Оники йўқ халқ гамидин гами.**

Алишер Навоий давлатни бошқариш жараёнини ўзини ҳам муайян бир маънавий ҳодиса сифатида қабул қилиб, бу жараён маънавий талабларга асосланмаса тамағирлик, порахўрлик авж олиши, давлат таназзулга учрашини таъкидлайди. Бу каби нохушликларни келтириб чиқарувчи сабаб сифатида нафоси кўрсатади: “Нафсонинг юзи маллакнига ўқшаса ҳам, ўзи яширин; унда дев билан шайтон иккаласи бирлашиб, жуфт бўлган. Иккаласи жуфт бўлиб қўя қолмасдан, ҳар нафсад ўзларидақаларнинг юзтасини туғдириб олади. ...Диндан фақат нафсига чиқариши мумкин”.

Алишер Навоий 1472 йилда Хусайн Бойқаро фармони билан Бош вазир (Амири кабир) лавозимига тайинланганидан кейин мамлакатда авж олган тамағирлик, ўзбошимчилик, ҳокимияти сумистеъмол қилишнинг бошқа турли кўринишларига қарши астойдил қурашди. Давлат бошқарувини шарият доирасида ва адолат принциплари асосида бошқариш амалиётини ўрнатилга интиди. Бу даврда давлатчилик, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнади. У бош вазирлик мансабининг топшириганидан кейин ҳам давлат бошқарувидаги ўрни ва мақоми деярли ўзгармади. Турли машваратларда деярли шохнинг ёнида ўтирар, муаммолар ва уларнинг ечимларига оид кўпгад масалаларни муҳокамага ташлар эди. Фақат Алишер Навоийга ҳал бўлмаган бир масалани шох олдида тўққиз мартагача қайта-қайта кўтариш ҳуқуқи берилганди.

Алишер Навоийнинг тенги йўқ фозил, маънан пок, комил инсон эканлигини унинг халққа, мискинларга улашган хайриятлари, мамлакат ободлиги учун ўз ёнидан сарфлаган маблаглари миқёсидан ҳам билиш мумкин. У камҳарж, тежамкор, турли ҳукмдор ва шахзодалар томонидан берилган катта мулкка эга, унинг бир кунлик даромади 18 миғ шохруҳийга тенг экани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ҳазрат Навоийнинг замондоши Исфизарий гувоҳлик берганидек, ўша даврда Хуросонда арзончилик бўлганига эътибор қаратилса, бу

кечиши сабабларидан бири — бу кўпроқ ижод исрати бўлса, иккинчиси — у қандай мансабни эгаллаганидан қатъи назар, давлат сиёсатида шохдан кейинги шахс мақомида эди. Хусайн Бойқаро қачон урушга отланса, Ҳиротга Алишер Навоийни бошлик мансабига тайинларди. Чунки ҳазрат Навоий Хусайн Бойқаронинг мактабдош дўсти, шу билан бирга, ҳаётдаги энг яқин маслаҳатгўйи эди.

Алишер Навоийнинг улкан сиёсий мақоми ҳақида ўша даврда мусулмон оламида машҳур бўлган мутафаккир Хўжа Ахрорнинг унга ёзган мактублари ҳам шоҳидлик беради. Хўжа Ахрор Ҳиротга уч кишига — Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийга 128 та дастхат мактуби йўллаган. Табиийки, уларнинг барчасига жавоб мактублари ҳам олган. Хўжа Ахрор ўз мактубларидан бирида Алишер Навоийга қўйидаги дил изохрини баён қилди: “Сиз билан мулоқот шарофига муяссар бўлиш орузи бу фақирда жуда бисёрдир...”

Алишер Навоий амирлик мансабидан кетишга ҳаракат қилаётган пайтда бундан ташвишга тушган Хўжа Ахрор унга қўйидаги илтимос билан мурожаат этади: “Эшитилмишиз, баъзи бир воқеалар ва ҳодисалар сабабли онқазратинг мулозиматида бўлишдан Сиз жанобларни малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройда мулозимат қилиш томон қаратсангиз... Ҳеч ким мусулмонлар гамини емай қўйган бир вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишларда қўринади”. Ҳатто, Хўжа Ахрор хаста бўлиб қолганида, Алишер Навоий унинг илтимоси билан Ҳиротдан машҳур бир табибни юборди. Тарихий далиллардан кўриниб турибдики, Алишер Навоийнинг давлат салтанатидаги ўрни бекёбс даражада юқори бўлган.

Буюк шоир ўз сиёсий маънавиятдан фойдаланиб, сарой арконлари, ҳокимлар ва бошқа мансабдорлардан шарият ҳамда адолат қондалари асосида фаолият юритишни доимий равишда талаб қилиб турар, давлат бошқарувининг моҳияти ва мақсад-

Президентимиз 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиди Алишер Навоий ва бошқа Ренессанс мутафаккирлари меросини ўрганиш вазифасини қўйиб баробарида қўйидаги фикрларни билдирганди: **“Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди...”**

Тан олий кераки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносибатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган...

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айлангани керак. Бу ўлмас мерос ҳақида ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”.

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий илмий ва ижодий мероси битмас-туганмас уммондир. Бу уммондан халқимиз ва ёшларимизни чуқур баҳраманд қилосак, мутафаккир ғояларини улар онгига тўла сингдиросак, янги Ўзбекистон орузи, албатта, янада тез рўёбга чиқажак.



Муқимжон ҚИРФИЗБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси.

лари ҳақида панду насихатларини аямасди. Бу унинг давлат бошқаруви соҳасида ҳам ўз даврининг тенги йўқ билимдони ва мутафаккири эканлиги англа-тади. У ҳатто шахзода Бадиуззамон, Марв ҳокими Муҳсинбек ва бошқаларни ўз панд-насихатлари билан тўғри йўлга солган. Оталарига қайсарлик қилган шахзодалар фақат ҳазрат Навоий ўғитларига қулоқ тутарди.

Алишер Навоий мамлакат сиёсий бирлигини сақлаш мақсадларида шахзода Бадиуззамонга алоҳида мактублар ёзди, шунингдек, “Ҳайрат ул-аброр” достонининг йилгирманчи мақолатида тўғридан-тўғри унга мурожаат қилади. Унда давлат бошқарувини адолат принциплари, шарият ва маънавий қадриятлар асосида, “халқ гами”га дардқашлик руҳида олиб бориш йўл-йўриқлари баён қилинади:

“Шоҳ ишини адолат билан юрғизса, адолат унинг вайрона мамолатини ҳам обод қилиб қўйоради”;
“Мазлумнинг шикоят сўзлари ҳам қанча чўзилса ҳам узок умр кўришни истасанг, малол келмасдан эшит. Адолат истовчи зулм ўтидан фиғон қилса, адолатнинг соясидан зулм панох бер. У сояди уни қайғуда қўйма, шамнинг тагини унга қоронги қилма. Мазлумнинг сўзи тўғри бўлиб чиқдим, энди эолим ўзинга тегишли одам бўлса ҳам, юзига борма. Унинг нафоси давомли айшини истадими, демок, у сенга гуноҳ орттириб, ўз мақсадини ҳосил этмоқчи бўлган”;
“Луфту қарам қанча ёқимли бўлмасин, қахру сиватини ҳам ўз ўрни бор. Оламдаги ҳамма одам бирдай яхши эмас, ҳар кимнинг ҳамма иши маъкул бўла бермайди. Яхши билан ёмонга баробар яхшилик қилиш ёмонга кўп, яхшига ҳам яхшилик қилиш демокдир”;
“Хайлингга яхши бир буйруқ келса, уни маслаҳатсиз амалга оширишга ошиқма. ...Ўз фикрингга кўп ишона берма. Ишончли кишилар фикридан фойдалан”;
“Яна улким, тонлга сабоҳ ҳарамдан чиққач, девонда ўтирибди арзи шикоят тингланса, агар бир мазлумга бировдан зулм ўтган бўлса, эолимга шундоқ сивбат қўлсангиз, ўзга эолимларга ўрнак бўлса”;
“Яна бир кўн сулким, шаҳар ҳисобикитоби ишларига яхши эътибор қаратилса. Шаробхона, фаҳшхона, қиморхона каби ношарий ишлар бутунлай тақиқланса. Муқтасиблар ҳарфатда икки марта бозор аҳлининг нархларини текшириб туришса”;
“Яна улким, девон бекларига ҳукм қилинсаки, бир кун девонда ўтириб, мусулмонлар ишини барпо қилсалар, бугунги ишини эртага қўймасалар”;
“Яна бир сўз шуки, беклар ва девон ходимларига, шунингдек, тармона ва муҳдор ва мунийига буюрликсаким, тама умидида мусулмонларнинг ишини кечиктирма-салар. Шарий ва қавлий арзонмани бир тўртбурчак муҳр билан топширилган қуниёк битказиб берсалар. Каттароқ арзонмаларни ҳам ҳукмдан қўриқиб, тезроқ битказсалар.”

Бу каби давлат бошқарувида оид панд-насихатлар ва давлатлар рўйхатини узок даврга элтириш мумкин. Агар жаҳондаги бошқа бошқарув илми қондалари ва қонуниятлари билан қиёсланса, Алишер Навоийнинг фозил жамият ва адолатли давлатни шакллантиришга оид қарашлари ниҳоятда халқчиллиги, ноёблиги, маънавий қадриятлар ва шарият талабларига мослиги билан ажралай туради.

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий иккинчи Ренессанснинг энг буюк намояндаси бўлиши баробарида унга энг кўп ҳисса қўлган, юқори даражада кўтарган, унга гуманизм ғояларини сингдирига олган, ўз давридаги тенги ва қиёси йўқ шоир, машҳур давлат арбоби, миллий маънавий қадриятларнинг илк асосчиси, халқ ҳақсори сифатида тарих зарварларидан олтин ҳарфлар билан жой олди.

Хозирги янги Ўзбекистонни қуришга қаратилган ислохотлар жараёнида Алишер Навоий меросига мурожаат қилишга зарурат туғилиши бор ҳақиқатдир. Унинг маънавий ва давлатчиликка оид меросини ўрганиш, уларни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг тамал тошларидан бири сифатида қабул қилиш энг долзарб вазифалардан бири.

Халқ сўзи Народное слово